Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ЎЗБЕКИСТОН AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 31 май, сешанба № 94 (21.698). Сотувда эркин нархда

ТОШКЕНТДА ТЕННИС БАЙРАМИ



СУРАТЛАРДА: халқаро турнирнинг очилиш мароси мидан лавҳалар.

Р. ШАГАЕВ, Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистонда теннис тарихининг янги шонли саҳифаси очилди: Тошкентда биринчи марта «Президент кубоги» учун мусобақалар бошланди. Унда «катта ракетка»нинг энг етакчи усталари рўйхатига кирган кўпгина хорижий спортчилар иштирок этади.

30 май куни «Юнусобод» спорт мажмуида халқаро мусобақани тантанали очиш маросими ва иштирокчиларнинг паради бўлди. Мусобақада Австрия, Аргентина, Бельгия, Богам ороллари, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Голландия, Исроил, Испания, Италия, Кения, Хитой, Марокаш, Россия, АҚШ, Ўзбекистон ва Франция теннисчилари қатнашади.

...Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди, республикамиз байроғи кўтарилади. «Президент кубоги» мусобақаларининг ташкилотчиларидан бири, таниқли бизнесчи, «АТП-ТУР ЛТД» Швейцария фирмасининг президенти Сасон Какшури тантанали вазиятда теннис байрамини очиқ, деб эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов спортчилар ва халқаро мусобақа меҳмонларини самимий табриклади.

Мусобақа ташкилотчилари томошабинлар бу байрамни узоқ вақт ёдда сақлаб қолиши учун жуда катта ҳажмдаги ишни бажардилар. Бу мусобақа учун Тошкентнинг асосий кўчаларидан бири — Амир Темур шоҳ кўчасида «Юнусобод» янги спорт мажмуи қурилди. Қисқа муддатда бу ерда уч минг томошабин сиғадиган марказий корт, унинг ёнида яна учта ёзлик майдонча бунёд этилди. Спорт мажмуи биносида сунъий қопламали қишки спорт заллари, ҳурматли меҳмонлар учун шинам хоналар, спорт шарҳловчиларининг кабиналари, спортчилар, уларнинг устозлари, ҳакамлар учун хоналар мавжуд.

Мезбонлар бу нуфузли халқаро мусобақа республикамизгина эмас, бутун дунё спорт ҳаётида унутилмас воқеа бўлиши учун ҳамма ишни қилишди.

Мусобақани очиш маросимида Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазирнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари иштирок этдилар.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

30 май куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари Марек Гоулдингни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўртасида тобора ривожланиб бораётган ҳамкорлик алоқалари, минтақадаги хавфсизлик ва барқарорлик масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Меҳмон самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда юритилаётган тинчликсевар ташқи сиёсатга юқори баҳо берди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов иштирок этди.

* * *

Шу куни Марек Гоулдинг Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Саидмухтор Саидқосимов билан учрашди. БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасида бўлди. (ЎзА).

СОБИТҚАДАМЛИК— ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛСИН

28 май куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди.

Бугунги йиғилишдан мақсад, деди Президент мажлисни очиб, республикада иқтисодий ислоҳотнинг боришини таҳлил қилиш, бу йўлдаги тўсиқ ва ғовларни аниқлаш, уларни бартараф этиш йўлларини биргаликда излашдан иборатдир.

Мажлисда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фермер (деҳқон) хўжаликларини ривожлантиришга доир ҳукумат қарорларининг бажарилиши, республикада қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантириш ва фонд биржаси фаолиятини ташкил этиш муаммолари тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди. Мазкур масалалар юзасидан республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В. Чжен ва молия вазирининг ўринбосари А. Абдуқодировнинг ахборотлари тингланди.

Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва ислоҳ қилиш республика иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишларидан биридир. Қишлоқда иқтисодий ислоҳотнинг муваффақиятли амалга оширилиши бутун халқ хўжалигида тубдан ўзгариш ясашга замин бўлади.

Шуни кўзда тутиб, республика ҳукумати сўнгги уч йил мобайнида бу борада бир қанча қарорлар қабул қилди. Уларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ўзгартириш ва уни бошқариш тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини вужудга келтириш йўллари белгилаб берилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 февралдаги «Чорвачиликда ислоҳотларни такомиллаштириш ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермалар манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туман ҳокимликлари, республика бошқарув органлари учун қишлоқ хўжалигида ислоҳотни чуқурлаштириш дастури бўлди.

Жорий йилда 176 та давлат хўжалиги мулкчилик шаклини ўзгартирди, улар асосан жамоа хўжаликлари, уюшмалар ва ширкатларга айлантирилди. Ислоҳот бошлангандан буён жами 1148 та давлат хўжалиги мулкчиликнинг давлатга қарашли бўлмаган шаклларига ўтказилди. Ана шунинг ўзи маъмурий-бошқарув аппаратини 7,5 минг кишига қисқартириб, улар маошининг ўзидан 3 миллиард сўмдан ортиқроқ маблағ иқтисод қилиш имконини берди.

Давлат тасарруфидан чиқарилган хўжаликларнинг аксарияти ўз иқтисодий аҳволини яхшилаб, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш билан бирга, унинг сифатини ҳам оширмоқда. Биргина Қашқадарё вилоятидаги давлат тасарруфидан чиқарилган хўжаликлар ўтган йили 1992 йилдагига нисбатан 4,4 минг тонна ғалла, 31,4 минг тонна пахта, 2,1 минг тонна мева-сабзавот ва узум, 250 тонна гўшт ва 1736 тонна сутни кўп етиштирди.

Шовот туманидаги «Колос» давлат хўжалиги негизида ташкил этилган «Бўстон» жамоа хўжалигида бошқарув аппарати 16 кишига

(Давоми учинчи бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТДАГИ I-ХАЛҚАРО ТЕННИС ТУРНИРИ ОЧИЛИШИ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Азиз дўстлар!
Хонимлар ва жаноблар!

Халқаро теннис беллашувининг ҳурматли қатнашчилари ва меҳмонлари! Спорт мухлислари!

Сизларни мустақил Ўзбекистонда ўтаётган биринчи халқаро теннис мусобақалари муносабати билан самимий қутлашга ижозат бергайсизлар.

Бугун, Ўзбекистонимизни дунёга танитган кўпгина тарихий воқеалар қатори, биринчи бор халқаро теннис турнири бўлиб ўтяпти. Бу мусобақага атаб қисқа вақт ичида қурилган ҳашаматли теннис спорти саройи ҳам илк бор дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган азиз меҳмонларни ўз бағрига оляпти.

Мана шу муҳташам спорт саройини бунёд этган инсонларга ва бугунги катта спорт анжуманини ташкил қилишда фаоллик кўрсатган дўстларимизга, хусусан, жаноб Сасон Какшурига ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман.

Ушбу турнирда дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакати, жумладан, Германия, Америка Қўшма Штатлари, Италия, Богам ороллари, Россия, Испания, Швеция, Чехия, Австрия ва бошқа бир қанча мамлакатларнинг вакиллари қатнашмоқда.

Очиқ чеҳра ва очиқ кўнгил билан она диёримизга, гўзал Ўзбекистонимизга келган барча спортчилар ва меҳмонларимизга: «Хуш келибсиз, азиз дўстларимиз!» деб айтамиз.

Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди. Бизнинг бу халқаро турнирдан кўзлаган мақсаду муддаомиз — Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги катта салоҳиятини юзага чиқариш, бунинг учун етарли шарт-шароитлар борлигини кўрсатиш.

Спорт — ўзбек халқига қадимий анъана. Ўзбекистонимизда юзлаб халқ миллий спорт ўйинлари билан бир қаторда замонавий спорт турлари ҳам ривож топяпти.

Биз Ёзги ва Қишки Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва Осиё биринчиликлари чемпионатларида энг юксак ғалабаларга эришган юртдошларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Спорт — тинчлик элчисидир. Бизнинг мақсадимиз ҳам — тинчлик, осойишталик ва шу асосда жаҳон аҳли билан ҳамкорлик қилиш.

«Соғлом танда — соғ ақл», дейдилар. Бизнинг яна бир мақсадимиз — ҳар томонлама камол топган, етук соғлом авлодни тарбиялашдир. Шу туфайли мустақил давлатимизнинг биринчи ордени ҳам «Соғлом авлод учун» деб аталди.

Соғлом авлодни эса спортсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ишончим комилки, мамлакатимизда сўнгги йилларда ўтаётган кўпгина халқаро мусобақалар қатори, теннис турнири ҳам бу хайрли ишимизга салмоқли ҳисса қўшади.

Фурсатдан фойдаланиб, мен яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Спорт — спорт учун эмас, у, энг аввало, одамлар учун, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан комил инсонлар этиб тарбиялаш учун, Ер юзидаги барча кишиларнинг тинчлик-осойишталиги, дўстлик ва ҳамкорлиги, бахт-саодати учун хизмат қилиши даркор.

Мана шу маънода бугунги турнирнинг азалдан дўстлик ва тинчлик шаҳри деб донг таратган Тошкентда очилаётгани айниқса диққатга сазовордир.

Бу халқаро теннис мусобақалари Ўзбекистонда онда-сонда эмас, балки ҳар йили ўтади ва дунёдаги шу хил турнирлардан қолишмайдиган бўлади, деб ишонаман.

Ҳурматли турнир қатнашчилари ва меҳмонлар! Спорт мухлислари!

Сизларга яна бир бор «Қадимий ва навқирон Ўзбекистонимизга хуш келибсиз!» деб айтаман, мусобақаларда ва ҳаётингизда янги зафарлар, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилайман.

Рухсатингиз билан Ўзбекистонда ўтаётган биринчи халқаро теннис турнирини очиқ деб эълон қиламан!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ҳ. ҒУЛОМОВНИ (ҲАМИД ҒУЛОМ) ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек адабиётини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда жамоат турмушида фаол иштирок этгани учун ёзувчи Ҳамид Убайдуллаевич Ғуломов (Ҳамид Ғулом) Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 30 май.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

«Россия—Ўзбекистон» дўстлик ва ҳамкорлик жамиятининг аъзолари, Россиядаги ўзбекларнинг «Ватандош» уюшмаси раёсати сизни 1992 йил 30 майда «Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳалқаро муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорликнинг асослари тўғрисида шартнома» имзоланганининг икки йиллиги билан табриклайдилар.

Россия ва Ўзбекистон халқлари дўстлиги ва ҳамкорлигининг ижобий тажрибаси заминида ҳозирланган бу шартнома янги тарихий шароитда давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашнинг ишончли негизидир.

Халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва ҳамкорлик ришталари бу ҳужжатда яна бир карра тасдиқланди. Унда икки буюк халқ алоқалари, мулоқотлари, маданий ҳамкорлиги тўла акс этган.

Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига барқарорлик, равнақ тилаймиз.

«Россия—Ўзбекистон» дўстлик ва ҳамкорлик жамияти ҳамда Россиядаги ўзбекларнинг «Ватандош» уюшмаси раёсатларининг топшириғига биноан:

«Россия — Ўзбекистон» жамияти президенти
И. АРХИПОВА.

«Россия—Ўзбекистон» жамияти вице-президенти, «Ирина Архипова жамғармаси»нинг биринчи вице-президенти
Ю. ВЕТОШКИН.

«Россия—Ўзбекистон» жамияти вице-президенти
Е. МАХОВ.

Россиядаги ўзбекларнинг президенти
«Ватандош» уюшмаси
Ф. ХУЖАЕВ.

ШАРТНОМАНИНГ ИККИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Шу йилнинг 30 май куни Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги давлатлараро муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг имзоланганлигига икки йил тўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонаси ахборот бюллетенига «ДУСТЛИК—ДРУЖБА» деган махсус илованн чоп этди. Унда икки йил муқаддам Москвада имзоланган Шартнома бандлари келтирилади. Шунингдек, илованинг биринчи саҳифасида Ўзбекистонда истиқомат қилаётган бир гуруҳ рус миллатига мансуб кишиларнинг Президентлар Ислом Каримов ва Борис Ельцинга мактуби босилган. Худди шу жойда Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XV сессиясида кенг имконият ва катта салоҳиятга эга бўлган Россия Федерацияси билан тенг ва ўзаро қулай муносабатларни йўлга қўйиш муҳимлиги ҳақидаги сўзлари берилган. Иловада Ўзбекистонда бозор тизимига ўтишнинг беш тамойили, шунингдек, Мустақил республиканинг ўтмиши, бугуни ва табиий бойликларига дахлдор маълумотлар ёритилган. Айни пайтда Ўзбекистон Республикасинг Давлат байроғи, Давлат герби ва Давлат мадҳияси мамлакатнинг якинда таъсис этган олий мукофотлари, Россияда яшаётган ўзбеклар, халқимизнинг эзгу анъаналари ҳақида маълумотлар берилган. Илова газетхонда Ўзбекистон ҳақида кенг ва бой тавссурот қолдиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

АҲОЛИГА СОТИЛАДИГАН ЕҚИЛҒИ, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЧАКАНА НАРХЛАРИНИ ҲАМДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТРАНСПОРТИ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ТАРИФЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикага келтирилаётган нефть ва бошқа ёқилғи ресурслари нархларининг ошиши муносабати билан, шунингдек, энергия ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ҳамда халқ хўжалиги тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1994 йилнинг 1 июнидан бошлаб ёқилғи-энергетика ресурсларининг чегараланган чакана нархлари ҳамда шаҳарда ва шаҳар атрофига қатнайдиган йўловчи ташиш транспорти хизматларининг тарифлари иловага мувофиқ белгилансин.

2. Аҳолининг айрим тоифаларига республика ҳукумати илгари қабул қилган қарорларга мувофиқ берилган амалдаги имтиёзлар сақлаб қолинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда мазкур қарорга иловага мувофиқ янги чакана нархлар ва тарифлар прейскурантларини тасдиқласинлар ҳамда барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларга етказсинлар.

4. Мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар ва ташкилотлар кўмир ва автомобиль бензинининг қолдиқларини 1994 йил 1 июнидаги ҳолатга кўра қайта баҳолаб чиқсинлар, қайта баҳолашдан тушган суммани ўзларининг айланма маблағларини тўлдиришга йўналтирсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 27 январдаги 45-сон, 1994 йил 29 апрелдаги 226-сон қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А. МУТАЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 30 май.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига илова

ЕҚИЛҒИ, ЭНЕРГИЯ, ШАҲАРДА ВА ШАҲАР АТРОФИГА ҚАТНАЙДИГАН ЙЎЛОВЧИЛАРНИ ТАШУВЧИ ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИГА БЕЛГИЛАНАДИГАН ЧАКАНА НАРХ ВА ТАРИФЛАРНИНГ ЧЕГАРАЛАНГАН МИҚДОРЛАРИ

	Ўлчов бирлиги	Чакана нархи (тариф) бир бирлик учун сўм-купонларда
Табиий газ	1000 м³	3500
Электр энергияси	квт. с.	30
Электр плиталар билан жиҳозланган уй-жойларда яшовчи аҳолига бериладиган электр энергияси	квт. с.	15
Автомобиль бензини (ўртача)	Литр	1000
Кўмир (ўртача)	Тонна	25000
Шаҳар транспортида йўловчилар ташиш:		
Автобус, трамвай, троллейбус	Бир марта юриш	100
Метро		100
Шаҳар атрофига қатнайдиган автобусларда йўловчилар ташиш:		
Умумий типдагн	1 км. йўл учун	17
Юмшоқ ўринли	— » —	25

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

УН ВА БУЛКА НОННИНГ ЧАКАНА НАРХЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Донни сотиб олиш, уни ташиш ва қайта ишлаш харажатларининг ошиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1994 йилнинг 1 июнидан бошлаб 1 килограмм уннинг чакана нархи ўртача 500 сўм-купон ва 1 килограмм булка нонинг чакана нархи ўртача 400 сўм-купон этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги уннинг ва булка нонинг чиқарилаётган турларини ҳисобга олган ҳолда янги чакана нархлари прейскурантларини манфаатдор вазирликларга ва идораларга етказсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 февралдаги 100-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А. МУТАЛОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 30 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗБЕКСАВДО» ДАВЛАТ УЮШМАСИ ВА ЎЗБЕКБИРЛАШУВДА

Четдан озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш ва уларни ташиб келтириш, республиканинг ўзидаги ресурсларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш харажатларининг тобора ошиб бораётгани, шунингдек, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини республика ташқарисига ғайриқонуний олиб чиқиб кетишга уринишларнинг олдини олиш мақсадида «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси ва Ўзбекбирлашув Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда 1994 йил 1 июндан бошлаб асосий озиқ-овқат маҳсулотларига, шу жумладан белгиланган миқдорда сотиладиган маҳсулотларга қуйидаги ўртача чакана нархларни белгилаш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

(Давоми учинчи бетда).

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун кредиторларнинг даъволарини қондириш мақсадида хўжалик юритиш субъектлари бўлмиш юридик ва жисмоний шахслари банкрот бўлган деб эътироф этиш шартлари ва тартибини белгилаб беради.

Қонун, мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан бошқа давлатлар хўжалик юритиш субъектларининг мулкий муносабатларига нисбатан татбиқ этилади.

Башарти, қайта ташкил этиш чора-тадбирларини ўтказиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга номувофиқ бўлса ёки улар ижобий натижа бермаса, Қонун ночор хўжалик юритиш субъектини мажбурий ёки ихтиёрий равишда тугатиш учун ҳуқуқий асос яратади.

Ушбу Қонун ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган корхоналарга (ташкилотларга) нисбатан татбиқ этилмайди.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган хўжалик юритиш субъектлари банкрот бўлганида юзага келадиган муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Банкротлик тушунчаси ва унинг аломатлари

Хўжалик юритиш субъектининг банкрот бўлиши дейилганда қарздорнинг мажбуриятлари мол-мулкидан ошиб кетганлиги сабабли товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўлаш юзасидан кредиторларнинг талабларини қондиришга қодир эмаслиги, шу жумладан бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслиги тушунилади.

Кредиторларнинг талабларини бажариш муддати бошланган кундан эътиборан хўжалик юритиш субъекти уч ой мобайнида уларни бажаролмаётганлиги ёки бажаришга қодир эмаслигининг муқаррарлиги сабабли унинг жорий тўловлари тўхтатиб қўйилиши хўжалик юритиш субъекти банкрот бўлишининг ташқи аломати ҳисобланади.

Банкротлик факти хўжалик суди томонидан эътироф этилганидан ёки хўжалик юритиш субъекти ихтиёрий равишда тугатилаётганида унинг ўзи банкрот бўлганлигини расман эълон қилганидан кейин хўжалик юритиш субъекти банкрот бўлган ҳисобланади.

2-модда. Хўжалик юритиш субъектларининг мулкий жавобгарлиги

Барча хўжалик юритиш субъектлари ўз мажбуриятлари юзасидан, башарти қонун ҳужжатларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, тўла мулкий жавобгар бўладилар.

Хўжалик юритиш субъектининг мулкий жавобгарлиги мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд хўжаликни тўла юритиш ёхуд оператив бошқариш ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулкка нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган доирада татбиқ этилади.

Хўжалик юритиш субъектларининг мол-мулки эгаси бўлмиш жисмоний шахслар, башарти қонун ҳужжатларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, ўз мажбуриятлари юзасидан хўжалик юритиш субъектларининг жами мол-мулки билан жавобгар бўладилар.

Юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар ўз мажбуриятлари юзасидан ўзларининг жами мол-мулклари билан жавобгар бўладилар.

Мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда қарздор ўз қарзлари бўйича қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартиб ва миқдорларда жавобгар бўлади. Қарз ундиришга тортилиши мумкин бўлмаган мол-мулк қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Елланиб (шартнома, контракт бўйича) ишловчи шахслар хўжалик юритиш субъектларининг қарзлари бўйича мулкий жавобгар бўлмайдилар.

Хўжалик юритиш субъектларининг банкрот бўлиши билан боғлиқ мулкий жавобгарлик тўғрисидаги ишлар хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

3-модда. Банкрот бўлишга олиб келган ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар

Банкрот бўлишга олиб келган ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар дейилганда хўжалик юритиш субъектлари мансабдор шахсларининг ёки мулкдорларининг ёхуд кредиторнинг (кредиторларнинг) ёки ўзга шахсларнинг қасддан, уқувсизлик ёки бепарволик оқибатида содир этган, хўжалик юритиш субъекти ёхуд кредиторга (кредиторларга) зиён етказган хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ қоидабузарликлар тушунилади.

Қуйидагилар ҳам ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларга киради:

қарздор мол-мулкининг ҳаммасини ёки муайян қисмини ёхуд унинг мажбуриятларини яширганлик;

қарздорнинг хўжалик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ҳисобкитобга доир ҳар қандай ҳужжатни яширганлик, йўқ қилиб юборганлик, қалбакилаштирганлик;

мол-мулкни (шу жумладан пул маблағларини) яшириш мақсадида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берганлик;

бухгалтерия ҳужжатларига зарур қайдларни киритмаганлик;

қарздорнинг қарзга олинган ва ҳақи тўланмаган мол-мулкининг ҳаммаси ёки муайян қисмини сотганлик, йўқ қилиб юборганлик, гаровга қўйганлик;

мансабдор шахслар ёки мулкдорларнинг шахсий манфаатлари ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида хўжалик юритиш субъектининг тўловга лаёқатсизлигини баттар кучайтирганлик;

кредиторлардан сийлов олиш ёки уларга тегишли тўловларни бўлиб-бўлиб тўлашга эришиш учун кредиторларни чалғитиш мақсадида ўзини ёлғондан (сохта) ночор деб эълон қилганлик;

кредиторга (кредиторларга) зиён етказиш мақсадида бошқа ҳар қандай усул билан хўжалик юритиш субъектини атайин банкротликка дучор қилганлик;

бошқа кредиторларга зиён келтирган ҳолда муайян кредиторнинг талабларини қондиришга афзаллик берганлик, талабнинг ана шундай йўсинда қондирилишига рози бўлганлик;

солиқлар ва қарзларни тўлашдан қочиб қутулиш мақсадида қарздорнинг атайин ўзини ўзи тугатганлиги.

Банкрот бўлишга олиб келган ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар содир этган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилишлари мумкин.

II БЎЛИМ. СУДСИЗ БАЖАРИЛАДИГАН АМАЛЛАР

4-модда. Судсиз бажариладиган амаллар

Судсиз бажариладиган амаллар — қарздорга кредиторлар билан музокара олиб бориш йўли орқали ё қарздор хўжалик юритиш субъекти фаолиятини давом эттиришга келишиш ёки хўжалик юритиш субъектининг ихтиёрий равишда тугатилиши қарорига уларнинг розилигини олиш имконини берувчи усуллар ҳисобланади.

Музокаралар олиб бориш тартиби ва шартларини қарздор кредиторлар билан келишган ҳолда белгилайди.

5-модда. Судсиз бажариладиган амалларнинг натижалари

Қуйидагилар:

қарздор билан кредиторларнинг ҳаммаси ёки бир қисми ўртасида кредиторларга тўланадиган тўлов муддатини кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш ёхуд қарздор хўжалик юритиш субъекти фаолиятини давом эттириш учун қарз тўлашда сийлов белгилаш тўғрисидаги келишув;

қарздор хўжалик юритиш субъектининг ихтиёрий равишда, кредиторлар назорати остида тугатилиши ва банкрот бўлганлигини ушбу Қонунда белгилаб қўйилган тартиб ва шартлар асосида расмий равишда эълон қилиши судсиз бажариладиган амаллар натижалари бўлиши мумкин.

6-модда. Қарздор хўжалик юритиш субъектининг ихтиёрий равишда кредиторлар назорати остида тугатилиши

Қарздор хўжалик юритиш субъектининг ихтиёрий равишда тугатилиши тўғрисида ва банкрот бўлганлиги ҳақида расмий равишда эълон қилиш ҳусусидаги қарорни хўжалик юритиш субъекти раҳбари кредиторлар билан биргаликда хўжалик юритиш субъекти иқтисодий аҳволининг таҳлили асосида, хўжалик юритиш субъекти ўз мажбуриятлари бўйича тўловларни тўлай олмаслиги ва унинг тўлов қобилиятини тиклаш имконияти йўқлиги шу таҳлил натижасида аниқлангач, қабул қилади.

Бу қарорни қарздор хўжалик юритиш субъекти мол-мулкининг эгаси тасдиқлайди.

Хўжалик юритиш субъектининг ихтиёрий равишда тугатилиши тўғрисидаги қарорига рози бўлмаслик, шунингдек мазкур хўжалик юритиш субъекти кредиторларидан бирининг хўжалик юритиш субъектининг ихтиёрий равишда тугатилиши тўғрисидаги қарорига рози эмаслиги хўжалик судида ушбу Қонуннинг III бўлимида белгилаб қўйилган тартибда хўжалик юритиш субъекти банкрот бўлганлигига доир иш юритишни қўзғатишга сабаб бўлади.

Қарздор хўжалик юритиш субъекти мазкур хўжалик юритиш субъекти мол-мулкининг эгаси унинг ихтиёрий равишда тугатилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаган пайтдан эътиборан тугатиш жараёнидаги хўжалик юритиш субъекти деб ҳисобланади. Қарздор хўжалик юритиш субъектининг ихтиёрий равишда тугатилиши тўғрисидаги эълон расмий матбуотда чоп этилади.

III БЎЛИМ. БАНКРОТ БЎЛГАНЛИККА ДОИР ИШЛАРНИ ЮРИТИШ

7-модда. Банкрот бўлганликка доир иш қўзғатиш учун асослар

Хўжалик судида банкрот бўлганликка доир иш қўзғатиш учун қарздор ёки кредиторнинг (кредиторларнинг), шунингдек прокурорнинг аризаси асос бўлади.

Қуйидаги ҳолларда банкрот бўлганликка доир иш қўзғатиш мумкин:

хўжалик юритиш субъекти ўзи эътироф этган даъво талабларини уч ой мобайнида қаноатлантиришга ёхуд ижро ҳужжатлари бўйича қарзини тўлашга қодир бўлмаса;

агар хўжалик юритиш субъекти шартномадаги суммани тўлаш ҳақида ёзма равишда талабнома олганидан кейин уч ой мобайнида тўлай олмаган бўлса;

қарз мажбуриятларининг қиймати хўжалик юритиш субъекти мол-мулкининг қийматидан ошиб кетса;

хўжалик юритиш субъекти иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолганлигини ўзи эътироф этса.

Банкрот бўлганликка доир ишларни юритиш Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси билан тартибга солинади, ушбу Қонунда назарда тутилган алоҳида жиҳатлар бундан мустаснодир.

8-модда. Иқтисодий жиҳатдан ночор қарздорнинг аризаси

Ночор қарздорнинг аризаси хўжалик юритиш субъекти раҳбари ёки бошқа ваколатли шахс томонидан ёзма равишда хўжалик судига берилади.

Ўзининг тўловга лаёқатсизлиги муқаррар эканлиги кўрсатилган ариза шундай лаёқатсизлик ёки банкрот бўлиш хавфи юзага келган кундан эътиборан уч ойдан кечиктирмай берилади. Қарздорнинг аризасига унинг кредиторлари ва қарздорларининг рўйхати, хўжалик юритиш субъекти бухгалтерия баланси ҳамда унинг молиявий ва мулкий аҳволига доир бошқа маълумотлар илова қилинади.

Қарздорнинг ўзини ночор деб эътироф этиш тўғрисидаги аризаси қайтариб олиниши мумкин эмас.

9-модда. Иқтисодий жиҳатдан ночор қарздорнинг ариза бермаганлиги (аризани вақтида бермаганлиги) учун жавобгарлиги

Тўловга лаёқатсизлик тўғрисида ариза бермаганлик ёки аризани вақтида бермаганлик учун хўжалик суди хўжалик юритиш субъектининг раҳбарига ёки бошқа ваколатли шахсга энг кам иш ҳақининг беш баробаридан ўн баробаригача миқдорда жарима солади.

10-модда. Кредиторнинг аризаси

Кредиторнинг аризаси қарздор жойлашган ердаги хўжалик судига ёзма равишда берилиб, унга қарздор эътироф этган қарзини тўламаган кундан эътиборан уч ой мобайнида талаблар қаноатлантирилмаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Кредиторнинг аризаси хўжалик суди ночор қарздорни банкрот бўлган деб эътироф этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилгунига қадар кредитор томонидан қайтариб олиниши мумкин.

11-модда. Прокурорнинг хўжалик судига аризаси

Прокурор Ўзбекистон Республикасининг қонунларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик юритиш субъектининг банкрот бўлганлигига доир иш юритишни қўзғатиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Прокурорнинг аризаси хўжалик суди иш юритишни қўзғатгунига қадар прокурор томонидан қайтариб олиниши мумкин.

12-модда. Иш юритишни қўзғатиш

Қарздорнинг, кредиторнинг (кредиторларнинг) ёки прокурорнинг аризаси асосида хўжалик суди хўжалик юритиш субъекти банкрот бўлганлигига доир иш юритишни қўзғатади, бу хусусда ажрим чиқариб, уни қарздорга, кредиторга (кредиторларга) ва прокурорга, шунингдек жамоа шартномасини имзолаган орган орқали қарздорнинг меҳнат жамоасига йўллайди.

Банкрот бўлганликка доир иш ночор қарздорнинг ташаббуси билан қўзғатилганда хўжалик суди қарздорларнинг кредиторлар ва қарздорларнинг рўйхатини ҳамда хўжалик юритиш субъектининг бухгалтерия балансини талаб қилиб олади.

Хўжалик суди тақдим этилган ҳужжатларнинг асослилиги ва ишончлилигини текширади ҳамда текшириш натижаларига қараб, ўн кунлик муддат ичида уларни рад этади ёки иш юритиш учун қабул қилади.

Банкрот бўлганликка доир иш кўриб чиқилиши учун қарздор иш юритишга қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида:

юридик шахснинг номи;

унинг фаолиятининг ташкилий шакли;

мулкнинг шакли, мол-мулкнинг эгаси (эгалари);

муассислар;

юридик шахс бошқарув органининг номи;

юридик шахс ва унинг филиаллари жойлашган манзиллар;

почта адреси;

фаолият соҳаси ва мақсади;

хўжалик суди ишни юритиш учун қабул қилган санадаги бухгалтерия баланси;

кредиторларнинг рўйхати ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг батафсил ёзма баёни;

илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхатига доир маълумотлардан иборат материалларни хўжалик судига топшириши шарт.

Агар қарздор якка тартибда иш юритадиган тадбиркор бўлса:

фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган вақти ва жойи;

паспорт маълумотлари (серияси, номери, ким томонидан ва қачон берилганлиги);

турар жойи ва почта адреси;

якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятининг тури;

агар ишлаб чиқариш биноси бўлса — у жойлашган манзил;

рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

даромадлар тўғрисидаги декларация;

илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхатига доир маълумотларни тақдим этади.

Хўжалик суди қарздорнинг мулкий аҳволи тўғрисидаги бошқа зарур маълумотларни ҳам талаб қилиб олиши мумкин.

Талаб қилинган ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилмаган тақдирда хўжалик суди хўжалик юритиш субъекти раҳбарига, тадбиркорга ва айбдор мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробаридан беш баробаригача миқдорда жарима солишга ҳамда балансни, бошқа зарур ахборотларни тузиш ва тақдим этишни аудиторга (аудиторлик фирмасига) топширишга ҳақлидир.

13-модда. Дастлабки ҳаракатлар

Хўжалик суди иш юритиш учун материалларни қабул қилиб олган кундан эътиборан қонунда белгиланган муддатда мажлис тайин қилади, унга қарздорнинг ўзи, қарздор рўйхатга олинган жойдаги банкларининг, молия ва солиқ органларининг вакиллари, кредиторлар, давлат мулкини бошқаришга ваколатли органнинг вакиллари (агар қарздорнинг мол-мулкида давлатнинг иштироки бўлса), шунингдек суднинг ихтиёрига кўра бошқа органларнинг (ташкилотларнинг) вакиллари таклиф қилиниб, бу хусусда ажрим чиқарилади.

Ночор қарздор ёки унинг мол-мулки эгасининг вакили банкрот бўлганликка доир ишни тўхтатиш ҳақида ва санация ўтказиш (мулкдор, кредитор (кредиторлар) ёки бошқа шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатиш орқали хўжалик юритиш субъекти фаолиятини соғломлаштириш) тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин.

Хўжалик суди санация ўтказиш тўғрисидаги илтимосномани белгиланган муддатда қараб чиқади ҳамда уни қондириш ёки рад этиш ҳақида ажрим чиқаради.

Қарздор хўжалик юритиш субъекти ўз фаолиятини давом эттириши учун унинг тўлов қобилиятини тиклашнинг реал имконияти мавжудлиги санация ўтказиш учун асос бўлади.

Санация ўтказиш мумкинлигини ёки мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун хўжалик суди мустақил экспертларни (аудиторларни) жалб этишга ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ харажатларни қарздорнинг зиммасига юклашга ҳақлидир.

Хўжалик суди ажрим чиқарганидан сўнг санация қатнашчилари йиғилиш ўтказиб, битим ишлаб чиқишлари шарт. Битим имзолганидан кейин ўн кун ичида хўжалик судига топширилади. Тақдим этилган битимга асосан хўжалик суди санация ўтказиш тўғрисида ажрим чиқаради. Битимда қарздорнинг асосий воситаларни санация қатнашчиларига бериши кўзда тутилган бўлиши мумкин эмас.

Санация бошланганига 12 ой тўлганида кредиторлар талаблари умумий суммасининг камида 40 фоизи қондирилган бўлиши керак.

Санация қатнашчилари кредиторлар олдида зиммага олган мажбуриятларини тўлиқ бажаришлари шарт ва бу мажбуриятларнинг бажарилиши учун биргаликда жавобгар бўладилар, агар битимда ўзга қоида назарда тутилмаган бўлса.

Санациянинг кечиши 18 ойдан ошмаслиги лозим. Хўжалик суди санация қатнашчиларининг илтимосномасига кўра санация ўтказиш муддатини кўпи билан олти ойгача узайтиришга ҳақли, давлат корхоналарида санация ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

Санация ўтказилиши жараёнида қарздор хўжалик юритиш субъектининг эгаси, кредиторлардан исталган бири ёки қарздор хўжалик юритиш субъекти меҳнат жамоасининг вакиллари санация бесамара ўтаётганлиги ёки санация қатнашчиларининг қарздор хўжалик юритиш субъекти эгаси ёки кредиторлар ёхуд қарздор хўжалик юритиш субъекти меҳнат жамоаси аъзоларининг манфаатларига зиён етказишга олиб борувчи хатти-ҳаракатлари тўғрисида хўжалик судига ариза билан мурожаат этишлари мумкин. Хўжалик суди бундай аризаларни қараб чиқади ва тегишли, ҳатто санацияни тўхтатишгача бўлган ҳал қилув қарори қабул қилади.

Санация уни ўтказиш учун ажратилган вақт тугаганлиги, ушбу Қонунда назарда тутилган талаблар бажарилмаётганлиги, шунингдек санация бесамара эканлиги аниқланганлиги , муносабати билан тўхтатилиши мумкин.

Санация тўхтатилган тақдирда хўжалик суди қарздорнинг банкрот бўлганлигини эътироф этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Санациядан кўзланган мақсадга эришилганлиги хўжалик судининг банкрот бўлганликка доир ишни тўхтатиш ҳақидаги масалани ҳал қилиши учун асос бўлади.

Ночор қарздорга кредиторларнинг мулкий даъволарини қондириш ва суд харажатларини қоплаш юзасидан учинчи шахснинг кафолати бўлмаса, мазкур мол-мулкни бошқаришга ваколатли бўлган орган иқтисодий жиҳатдан ночор қарздорни санация қилишда иштирок этиш юзасидан юридик ва жисмоний шахслар ўртасида танлов ўтказишни расмий матбуотда эълон қилишга ҳақлидир. Агар бир ой ичида бундайлар топилмаса ёки улар таклиф этган санацияда қатнашиш шартларига қарздор рози бўлмаса, ночор қарздорнинг банкрот бўлганлигига доир иш ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда қараб чиқилиши лозим.

Банкрот бўлганликка доир иш юритишни тўхтатиш мақсадида қарздор, у банкрот бўлган деб эътироф этилгунига қадар, кредиторларга мурожаат қилиб, келишув битими тузишни, тўловларни кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлашни, сийлов беришни таклиф этиши мумкин. Кредиторлар билан қарздорнинг келишув битими тузилганлиги хўжалик суди томонидан тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

14-модда. Мол-мулкида давлат иштирок этадиган хўжалик юритиш субъектлари учун дастлабки ҳаракатларнинг ўзига хос хусусиятлари

Қарздорнинг мол-мулкида давлат иштирок этган тақдирда хўжалик суди белгиланган муддат ичида давлат мулкини бошқаришга ваколатли тегишли органни иш юритиш қўзғатилиши тўғрисида хабардор қилади.

Давлат мулкини бошқаришга ваколатли орган хабар топган кундан эътиборан беш кунлик муддат ичида санация ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги ўз қарорини хўжалик судига маълум қилади.

Санация ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда давлат мулкини бошқаришга ваколатли орган кредиторларнинг мулкий даъволари қаноатлантирилишини ва хўжалик суди харажатлари қопланишини кафолатлайди.

Давлат мулкини бошқаришга ваколатли органнинг лозим тарзда расмийлаштирилган кафолатномаси хўжалик суди томонидан ишни кўришни тўхтатиб қўйиш учун асос бўлиб хизмат қила олади.

Кредиторларнинг талаблари қондирилган тақдирда банкротликка доир иш тўхтатилади.

Кредиторнинг талаблари қондирилмаган тақдирда ишни кўриш қайта тикланади. Бунда қарздорнинг хўжалик судига ушбу Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

15-модда. Банклар учун дастлабки ҳаракатларнинг ўзига хос хусусиятлари

Банк — қарздор бўлган ҳолларда иш юритиш учун қабул қилинганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хабардор этилади. Марказий банк ўн кунлик муддат ичида хўжалик судига банкни санациялаш мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги ўз хулосасини тақдим этмоғи лозим. Бу хулосанинг мазмуни қарздор банкнинг илтимосномаси қараб чиқилаётганда хўжалик суди томонидан инобатга олинади.

16-модда. Хўжалик судининг ночор қарздорни банкрот бўлган деб эътироф этиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори

Санациялаш ёки келишув битими тўғрисида илгари қабул қилинган қарорлар муносабати билан эҳтимол тутилган кечиктиришларни ҳисобга олган ҳолда хўжалик суди томонидан белгиланган муддатда хўжалик судининг мажлиси ўтказилиб, унда иш материалларини кўриб чиқиш асосида ночор қарздорни банкрот бўлган деб эътироф этиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш ёхуд аризани рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилади.

Кредиторларнинг хўжалик юритиш субъектига бўлган талаблари рад этилган тақдирда хўжалик суди кўрилган маънавий ва моддий зарар учун тўланадиган товон миқдорини белгилаб, уни хўжалик юритиш субъектининг фойдасига ундириб беришга ҳақлидир.

Хўжалик юритиш субъекти суд қарори чиқарилгунига қадар ўз хўжалик фаолиятини давом эттириш ҳуқуқига эгадир.

Банкрот бўлганликка доир иш юритишнинг ҳар қандай босқичида ночор қарздор ёки унинг муассиси (муассислари) қарздорнинг тўланмаган мажбуриятларига баробар маблағни гаровга қўйиши мумкин. Бундай ҳолда иш юритиш бир йилдан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.

17-модда. Банкрот бўлган деб эълон қилиш

Ночор қарздорни банкрот бўлган деб эътироф этиш ва тугатишга доир иш юритишни қўзғатиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори белгиланган тартибда расмий матбуотда эълон қилинади. Эълон ҳақи қарздор ҳисобидан тўланади.

Эълонда:

ишни юритаётган хўжалик судининг номи;

ночор қарздорнинг номи ва жойлашган манзили кўрсатилиши;

тугатишга доир иш юритишни қўзғатишга асос бўлган ариза берилган сана, шунингдек кредиторлар қарздорга нисбатан ўз даъволарини эълон чиққан кундан эътиборан икки ойлик муддат ичида беришлари зарурлиги тўғрисида кредиторларга қаратилган мурожаат баён қилинган бўлиши керак.

18-модда. Тугатишга доир иш юритишни қўзғатишнинг ночор қарздорга келтирадиган оқибати

Хўжалик юритиш субъекти банкрот бўлган деб эълон қилинган пайтдан бошлаб қарздорнинг ўз мулкини тасарруфидан чиқариши, бошқаларга бериши ва мажбуриятларини узиши тақиқланади, ҳисоб-китоб «счёти бўйича операциялар ўтказиши, дивидендлар, солиқлар тўлаши ва тўловларни амалга ошириши тўхтатиб турилади.

Ночор қарздорнинг қарзга доир барча мажбуриятларининг муддатлари ўтиб кетган ҳисобланади, унга нисбатан янги талаблар билан чиқилишига йўл қўйилмайди.

Ночор қарздорнинг барча турдаги қарзлари бўйича пеня ва фоиз қўшиб ёзиш тўхтатилади. Ночор қарздорнинг мулкидан қарзни ундириш борасидаги барча чеклашлар бекор қилинади. Хўжалик судида ночор қарздор иштирокида кўрилаётган мулкий низолар, агар улар юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қарорлари қонуний кучга кирмаган бўлса, тўхтатилади.

Шу пайтдан эътиборан қарздор олдига қўйиладиган мулкий ёки молиявий тусдаги барча талаблар фақат тугатишга доир ишни юритиш чегарасидагина қўйилиши мумкин.

IV БЎЛИМ. ТУГАТИШГА ДОИР ИШНИ ЮРИТИШ

19-модда. Тугатишга доир ишни юритишдан кўзланган мақсад

Тугатишга доир ишни юритиш — кредиторларнинг талабларини мутаносиб равишда қондириш ва ночор қарздорни қарзлардан қутилган деб эълон қилиш, томонларни ўзаро ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлардан ҳимоялаш мақсадида амалга оширилади.

20-модда. Тугатишга доир ишни юритиш қатнашчилари

Ишончли вакил, кредиторларнинг йиғилиши (кредиторлар комитети), ночор қарздор ва бошқа манфаатдор томонлар тугатишга доир ишни юритиш қатнашчилари ҳисобланадилар.

Хўжалик суди ўз ваколатлари доирасида тугатишга доир ишни юритиш қатнашчилари ўртасида юзага келувчи низоларни кўриб чиқади.

21-модда. Тугатиш комиссияси

Хўжалик суди хўжалик юритиш субъектининг банкрот бўлганлиги тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган тақдирда мол-мулк эгаси ёки шу мол-мулкни бошқаришга вакил қилинган орган ишончли шахс бошчилигида тугатиш комиссияси тузади.

Тугатиш комиссияси:

банкрот бўлган хўжалик юритиш субъекти жойлашган ердаги расмий матбуотда унинг тугатилиши тўғрисида ва кредиторларнинг ўз даъволарини тақдим этишлари тартиби хусусида эълон бериши;

банкрот бўлган хўжалик юритиш субъекти тугатилиши тўғрисида кредиторлар ва манфаатдор томонларни хабардор қилиши;

банкрот бўлган хўжалик юритиш субъектининг пул маблағларини битта банкдаги ягона счётга жамлаши;

банкрот бўлган хўжалик юритиш субъектининг мол-мулки, шу жумладан гаровга қўйилган мол-мулки тўғрисида ҳисобот тузиши;

тугатиш балансини тузиши ва уни хўжалик судига тақдим этиши;

банкрот бўлган хўжалик юритиш субъектини тугатиш режасини тузиши;

жорий ишларни охирига етказиши;

банкрот бўлган хўжалик юритиш субъекти мулкини манфаатдор томонлар фойдасини кўзлаб, босқичма-босқич тугатиши;

кредиторларга, хўжалик судига, давлат назорати ва солиқ органларига, бошқа манфаатдор ташкилотлар ва шахсларга банкрот бўлган хўжалик юритиш субъектининг мол-мулки тўғрисида, мол-мулкни тугатиш жараёни қандай бораётганлиги ҳақида зарур ахборотлар бериши;

банкрот бўлган хўжалик юритиш субъектини тугатиш қандай ўтганлиги тўғрисида якунловчи ҳисобот тайёрлаши ва уни хўжалик судига тақдим этиши шарт.

Тугатиш комиссиясининг хатти-ҳаракатлари устидан хўжалик судига шикоят қилиниши мумкин.

22-модда. Банкрот бўлган хўжалик юритиш субъектини тугатиш режаси

Банкрот бўлган хўжалик юритиш субъектини тугатиш режаси қуйидагиларни акс эттирмоғи лозим:

банкрот бўлган хўжалик юритиш субъекти молиявий аҳволининг тўла ва холис баёнини;

кредиторларнинг даъволарини қондириш шартлари, тартиби, навбати ва мутаносиблигини;

банкрот бўлган хўжалик юритиш субъекти мол-мулки эгасининг, меҳнат жамоасининг манфаатлари ҳисобга олинганлигини;

сотилиши лозим бўлган мол-мулкнинг рўйхатини;

мол-мулкни сотиш усули, жойи ва вақтини;

суд харажатларини тўлаш, экспертларнинг, тугатиш комиссияси аъзоларининг, ишончли вакиллар ва бошқа шахсларнинг фаолиятига ҳақ тўлаш шартларини.

Банкрот бўлган хўжалик юритиш субъектини тугатиш режаси кредиторлар билан келишилган бўлиши керак ва у, агар даъво суммасининг камида учдан икки қисмининг эгаси бўлган кредиторлар томонидан қувватланса, маъқулланган ҳисобланади. Агар тугатиш режаси маъқулланмаса, кредиторлар эса банкрот бўлган хўжалик юритиш субъектини тугатиш учун ўзлари тузган режани белгиланган муддатда тақдим этмасалар, хўжалик суди тугатиш комиссияси тақдим этган режани тасдиқлайди.

Агар тугатишга доир иш хўжалик юритиш субъектининг ташаббуси билан қўзғатилган бўлса, у хўжалик юритиш субъектини тугатишга доир ўз режасини тақдим этишга ҳақлидир.

Тасдиқланган тугатиш режаси асосида мол-мулкни сотиш ва қарздорга бўлган даъволарни қондириш ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

23-модда. Тугатишга доир ишни юритишдаги ишончли вакил ва унинг ҳуқуқлари

Тугатишга доир ишни юритишдаги ишончли вакил жисмоний ёки юридик шахс бўлиши мумкин. Ишончли вакил:

кредиторлар талабларини қондиришга мўлжалланган мол-мулкни (тугатиладиган мол-мулкни) жамлайди;

қарздорнинг молиявий аҳволи ва мол-мулки тўғрисида давлат назорат ва солиқ органларига, шунингдек кредиторларга ахборот тақдим этади;

тугатиш комиссияси фаолиятига раҳбарлик қилади;

ишни юритиш учун бухгалтер ва бошқа шахсларни тайинлайди;

экспертларни жалб этади;

хўжалик юритиш субъектининг ишлаб чиқариш фаолиятини тақиқлаб қўйишга ёки унга рухсат этишга ҳақли бўлади;

мол-мулкни яшириб қолиш ёхуд солиқлар ва қарзларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида банкрот бўлганликка доир иш бошланишидан ёки иқтисодий ночорлик тўғрисида ариза берилишидан олдин бир йил мобайнида хўжалик юритиш субъекти тузган битимларни, шунингдек хўжалик юритиш субъекти битим тузиш натижасида мол-мулкнинг сотиш пайтидаги бозор баҳосига нисбатан анча паст ҳақ олган ёки хўжалик юритиш субъекти тўловга лаёқатсиз бўлса, бундай битимларни ҳақиқий эмас деб топиш масаласини хўжалик суди олдига қўйиши мумкин;

хўжалик юритиш субъектининг мол-мулкини бошқариб туради.

Хўжалик юритиш субъекти ишончли вакилнинг талаби бўйича унга қарз суммасини кўрсатган ҳолда ўз кредиторлари ва дебиторларининг тўла рўйхатини, актив ва пассивларнинг муфассал балансини, молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни, иш дафтарлари, счётлар ва бошқа ҳужжатларини барча зарур маълумотлар билан тақдим этиши шарт.

24-модда. Кредиторлар йиғилиши

Кредиторлар йиғилишида кредиторлар, ишончли вакил ва ночор қарздор қатнашиш ҳуқуқига эга.

Кредиторлар йиғилиши:

мол-мулк эгаси ёки шу мол-мулкни бошқаришга вакил қилинган орган тасдиғига ишончли вакил номзодини тақдим этади;

ночор қарздорга қарашли мол-мулкни унинг тасарруфидан чиқариш билан боғлиқ айрим битимлар тузишга рухсат беради;

келишув битими тузиш тўғрисида таклифлар киритиши мумкин;

ишончли вакилнинг хатти-ҳаракатларини назорат қилиб боради;

йиғилишнинг оператив ишлайдиган органи ҳисобланиш кредиторлар комитетини тузиши мумкин. Комитетнинг вазифаларини кредиторлар йиғилиши белгилайди.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 2-бетда).

Кредиторлар йиғилиши, башарти унда қарздор мажбурияти умумий суммасининг камида учдан икки қисми миқдорида даъво қилаётган, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган кредиторлар қатнашса, ваколатли ҳисобланади. Кредиторлар йиғилишда ишончли вакил орқали қатнашишлари мумкин.

Кредитор, башарти ночор қарздорга нисбатан қўйилиши тўғри деб топилган талаблар эгаси бўлса ва мазкур ишда ўзга манфаатлари бўлмаса, кредиторлар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади.

25-модда. Кредиторнинг (кредиторларнинг) ҳуқуқлари

Кредитор (кредиторлар) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳўжалик судида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш;

банкрот бўлган ҳўжалик юритиш субъектининг молиявий аҳволи тўғрисида ва унга қарашли мол-мулкнинг ҳолати ҳақида маълумот олиш;

ишончли вакилнинг хатти-ҳаракатини назорат қилиш;

банкрот бўлган ҳўжалик юритиш субъектини тугатиш режаси билан танишиш;

ишончли вакилнинг, тугатиш комиссиясининг ҳўжалик судидаги хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш.

26-модда. Мол-мулкни ва қарзни нархлаш

Ночор қарздорнинг барча активлари, улар балансларда кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар, тугатиладиган мол-мулкни жамлаш учун асос бўлади.

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида ишончли вакил жалб этилган экспертлар ёки аудиторлар ёрдамида ночор қарздорнинг мол-мулкини рўйхатга олади ва нархлайди, шунингдек унинг мажбуриятларини баҳолайди.

Кимошди савдосида сотиладиган мол-мулкнинг қиймат нархи унинг дастлаб белгиланган нархи бўлади.

Тугатиладиган мол-мулк жумласига:

корхоналарда, ташкилотларда ёлланиб (шартнома, контракт бўйича) ишловчи ходимларнинг хусусий молмулки;

қарздор томонидан ижара ҳуқуқи асосида фойдаланилаётган мол-мулк;

қарздор жавобгарлигида сақланаётган товарлар;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ночор қарздорнинг мулки ҳисобланмайдиган бошқа молмулк киритилмайди.

27-модда. Банкрот бўлганнинг мол-мулкини сотиш

Банкрот бўлганнинг молмулки ошкора савдо ташкил қилиш йўли билан сотилади. Тугатиш комиссияси савдони ўтказиш жойи ва вақти тўғрисида савдо бошланишидан камида ўн кун олдин расмий матбуотда эълон беради. Қарздорнинг мулки босқичма-босқич сотилиши мумкин, лекин доимо ошкора равишда ҳамда тугатиш пайтидаги бозор баҳоларидан паст бўлмаган нархларда сотилиши шарт.

Агар тугатиш режасида меҳнат жамоасининг ўзи ҳўжалик юритиш субъекти мол-мулкини сотиб олиши ва унинг қарзларини узиши назарда тутилган бўлса, мол-мулкни сотиш очиқ савдо йўли билан эмас, балки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

28-модда. Банкрот бўлганнинг мол-мулкини тақсимлаш тартиби ва навбати

Савдодан тушган пул банкрот бўлган ҳўжалик юритиш субъектини тугатиш режасига мувофиқ кредиторлар ўртасида тақсимланади. Тўловлар қарздорнинг мол-мулки сотилишига қараб тўланади. Узилкесил тўлов мол-мулк савдоси якунланганидан кейин тугатиш режасига мувофиқ амалга оширилади.

Тугатишга доир иш юритиш, ишончли вакилнинг ўз вазифаларини бажариши, шунингдек ҳўжалик юритиш субъектининг ишлаб туришини давом эттириш билан боғлиқ харажатлар навбатдан ташқари қопланади.

Биринчи навбатда алимент, пенсия ва нафақалар ундиришга доир талаблар, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ҳуқуқи муносабатларидан келиб чиқадиган талаблари, экспертларнинг, аудиторларнинг, адвокатлар ва бошқа шахсларнинг кўрсатган хизматлари учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги талаблари, майиб бўлганлик ёки соғлиқнинг бошқа йўсинда шикастланиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш юзасидан, шунингдек боқувчисини йўқотганлик муносабати билан билдирилган талаблар қондирилади.

Ана шу талаблар тўлатўкис қондирилганидан кейин ижтимоий суғуртага оид талаблар ва фуқароларнинг жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик туфайли уларнинг мол-мулкига етказилган зарарларнинг ўрнини қоплашга доир талаблари қондирилади.

Иккинчи навбатда давлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар, бюджетга солиқдан ташқари тўланадиган тўловлар бўйича талаблар ҳамда давлат суғурта органларининг мажбурий суғурта бўйича талаблари, шунингдек банк кредитларига доир талаблар қондирилади.

Учинчи навбатда кредиторларнинг гаров билан таъминланган талаблари қондирилади.

Тўртинчи навбатда кредиторларнинг гаров билан таъминланмаган талаблари қондирилади.

Бешинчи навбатда қарздор ҳўжалик юритиш субъектини бошқаришда қатнашмайдиган меҳнат жамоаси аъзолари жумласидан бўлмиш акция эгаларининг ва инвесторларнинг талаблари қондирилади.

Олтинчи навбатда қолган барча талаблар қондирилади.

Навбатдаги ҳар қайси талаб навбат бўйича олдинги талаб тўла-тўкис бажарилганидан кейин қондирилади.

Ундириб олинаётган сумма, биринчи ва иккинчи навбат талабларидан ташқари, бир навбатнинг барча талабларини тўла қондиришга етарли бўлмаса, бу талаблар ҳар бир ундирувчи олиши лозим бўлган суммага мутаносиб равишда қондирилади.

Ундириб олинаётган сумма биринчи ва иккинчи навбатдаги талабларни қондириш учун етарли бўлмаса, қарз ҳўжалик юритиш субъекти муассисларидан уларнинг ҳўжалик юритиш субъектига қўшган маблағларига мутаносиб улушларда шак-шубҳасиз ундириб олинади.

Охирги тўлов тўланганлиги тўғрисида расмий матбуотда махсус хабар эълон қилинади.

Мол-мулк қийматининг кредиторлар талаблари қондирилганидан ва иш юритиш харажатлари тўланганидан кейинги қолдиқ қисмини тугатилаётган ҳўжалик юритиш субъекти мол-мулкининг эгаси олади.

Тугатиш жараёнида сотилмай қолган мол-мулкдан мулк эгаси бўлган қарздорнинг кўрсатмаси бўйича фойдаланилади.

Мол-мулк етарли эмаслиги сабабли қондирилмай қолган қарз мажбуриятлари узилган деб ҳисобланади.

29-модда. Тугатилаётган ҳўжалик юритиш субъекти ходимларининг ҳуқуқлари

Тугатилаётган ҳўжалик юритиш субъектида ёлланиб (шартнома, контракт бўйича) ишлаётган шахсларнинг ҳуқуқлари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

30-модда. Тугатиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш

Тугатиш жараёни охирига етгач, тугатиш комиссияси мол-мулк эгасига ёки шу мол-мулкни бошқаришга вакил қилинган органга тугатиш балансини ва даъволар қондирилганидан сўнг қолган маблағлардан қандай фойдаланилганлиги тўғрисидаги ҳисоботни илова қилган ҳолда ўз фаолияти тўғрисида якунловчи маълумот тақдим этади.

Мулк эгаси ёки шу молмулкни бошқаришга ваколатли орган тугатиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлайди, тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги тўғрисида қарор қабул қилади ва ҳўжалик юритиш субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи органга ўзининг қарорини маълум қилади.

31-модда. Ҳўжалик юритиш субъектининг фаолиятини тўхтатиш

Ҳўжалик юритиш субъекти давлат рўйхати реестридан чиқарилган пайтдан бошлаб, унинг фаолияти тўхтатилган, банкротликка доир иш тугатилган, қарздор эса қарзларидан қутилган ҳисобланади.

V БЎЛИМ. ТУГАТИШГА ДОИР ИШ ЮРИТИШДАГИ КЕЛИШУВ БИТИМИ

32-модда. Келишув битимига эришиш имкониятлари

Қарздор билан кредиторлар ўртасида келишув битими тугатишга доир иш юритишнинг исталган босқичида тузилиши мумкин.

Келишув битими навбат бўйича олдинги талаблар тўла-тўкис қондирилганидан кейин учинчи ва кейинги навбатдаги даъволарга нисбатангина тузилиши мумкин.

33-модда. Келишув битими тузиш шартлари

Келишув битими, агар уни кредиторларнинг камида учдан икки қисми (даъволар суммаси бўйича) ёқлаган бўлса, тузилган ҳисобланади.

Келишув битими тузилишига рози бўлмаган кредиторлар учун келишув битимига розилик билдирган ва талабларининг навбати бир хил бўлган кредиторлар учун белгиланганидан ёмонроқ шарт-шароит белгиланиши мумкин эмас. Ана шу кредиторлар ўртасидаги низолар ҳўжалик судида кўриб чиқилади.

34-модда. Келишув битими тузиш

Келишув битими ёзма равишда тузилади ва унинг ижроси барча кредиторлар учун мажбурий ҳисобланади ҳамда имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

Келишув битими бажарилмаган тақдирда манфаатдор томонлар белгиланган тартибда ҳўжалик судига мурожаат қилишлари мумкин.

35-модда. Келишув битимини ҳақиқий эмас деб эътироф этиш ёки уни бекор қилиш

Агар ночор қарздор балансда ўзининг мол-мулки ҳолатини нотўғри акс эттирган бўлса, исталган кредиторнинг даъвоси бўйича ҳўжалик суди келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

Қуйидаги ҳолларда:

келишув битимининг шартлари бажарилмаганида;

қарздорнинг молиявий аҳволи ёмонлашуви давом этиб, бу ҳол кредиторларга жараённи қайта тиклаш тўғрисида илтимос қилишга ҳуқуқ берганда;

қарздор кредиторларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига жиддий зиён етказувчи хатти-ҳаракатлар содир этган ҳолларда келишув битими ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши ҳамда қарздорни банкрот бўлган деб эътироф этиш жараёни қайта тикланиши мумкин.

Келишув битими ҳақиқий эмас деб эътироф этилган тақдирда банкрот бўлган деб эътироф этиш жараёни қайта тикланганлиги тўғрисида расмий матбуотда хабар берилади.

Агар келишув битими ижро қилингунга қадар қарздор банкрот деб эълон қилинган бўлса, тўланиши кечиктирилган, бўлиб-бўлиб тўлашга келишилган ёки қарзларнинг сийловидан иборат кредиторларнинг даъволари, уларнинг қаноатлантирилмаган қисми доирасида тўла ҳажмда қайта тикланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 5 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ

ҚАРОРИ

«БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ойлик муддат ичида:

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига қонунларни «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш ҳақида таклифлар киритсин;

Ҳукуматнинг қарорларини «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, республика вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари ўзларининг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқиши ва бекор қилишини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, қонунлар «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирилгунга қадар амалдаги қонун ҳужжатларининг мазкур Қонунга зид бўлмаган қисми қўлланиларади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 5 май.

СОБИТҚАДАМЛИК — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛСИН

(Давоми. Боши биринчи бетда).

қисқартирилди, ғалла етиштириш 390 тонна, пахта етиштириш 205 тонна кўпайди.

Бошқа вилоятларда ҳам шундай ижобий мисоллар кўплаб топилади.

Самарасиз ишлаётган чорвачилик фермаларини меҳнат жамоаларининг мулки қилиб бериш жадал амалга оширилмоқда. Шу йилнинг май ойига қадар 1053 ана шундай ферма хусусийлаштирилди. Ҳозир республикада 9311 мустақил деҳқон (фермер) ҳўжалиги мавжуд бўлиб, шундан 7446 таси чорвачилик билан шуғулланади.

Ҳукуматнинг давлат ҳўжаликлари мулкчилик шаклини ўзгартириш ва самарасиз ишлаётган чорвачилик фермаларини хусусийлаштириш бўйича топшириқлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туман ҳокимликлари, республика вазирликлари ва идоралари ишида жиддий камчиликлар мавжуд.

Деҳқон (фермер) ҳўжаликларига ер ажратиб бериш бўйича белгиланган топшириқ бажарилмади 100 минг гектар ўрнига 75,6 минг гектар ер берилди, холос. Айниқса, Сирдарё, Қашқадарё, Фарғона, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида бу иш ниҳоятда қониқарсиз аҳволда.

Ер ажратиш меъёрларига ҳам тўла амал қилмаслик ҳоллари учрамоқда. Масалан, Навбаҳор туманидаги 68 бош моли бўлган «Темур» деҳқон ҳўжалигига 30 гектар ўрнига атиги 12 гектар ер ажратилган, холос. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Ҳўжаликларнинг ички ишлаб чиқариш муносабатлари секин ўзгармоқда, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини камситиш ҳоллари учраб турибди, қишлоқ хўжалигининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаши лозим бўлган корхоналар билан ҳамкорлик механизми ҳануз яратилмаган.

Пахтачилик хўжаликлари билан пахта заводлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, пахта хом ашёсининг ва пахта маҳсулотларининг сон ва сифат кўрсаткичларини аниқлашдаги номутаносибликларни бартараф қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Қишлоқ хўжалик вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат», «Ўзбекбирлашув», «Ўзғўштсутсаноат», «Ўзкооптайёрловсавдо» каби концернларга қарашли тайёрлов ташкилотлари кўпинча деҳқон (фермер) хўжаликлари ва шахсий томорқа эгалари билан шартномалар тузишга етарли эътибор бермаяптилар.

Банк муассасалари тайёрлов ташкилотларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини топширувчилар билан ҳисоб-китоб қилиш учун вақтида кредит ажратмаслиги сабабли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларнинг молиявий аҳволи мушкуллашмоқда.

Шу йилнинг апрелига қадар хўжаликларнинг банкларга муддатида тўламаган қарзлари 4,1 миллиард сўмни, маҳсулот етказиб берувчиларга муддатида тўланмаган қарзлари эса 210,8 миллиард сўмни ташкил этди.

Зикр этилганларни хулосалаганда, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасидаги ҳукумат қарорлари етарли даражада амалга оширилмаяпти, дейиш мумкин. Расмиятчилик ва нўноқликка, сансалорлик ва буйруқбозликка йўл қўйилмоқда.

Бизда илгариги тузумдан қолган бир иллат бор, деди Президент. Юқори давлат идораларига, жойлардан кўпинча ёқимсиз кўрсаткичлардан «тозаланган», яъни силлиқланган маълумотлар келади.

Бугун ислоҳотнинг боришига, унинг суръат ва миқёсига рўй-рост баҳо берадиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги бу жараёндаги энг қотиб қолган, бошқача айтганда, «консерватив» соҳа бўлиб турибди.

Гарчи бир қанча давлат хўжаликларининг, фермаларнинг номи, мулкчилик шакли ўзгаргани билан моҳият тубдан ўзгармаяпти, дея таъкидлади Ислом Каримов. Айниқса, қишлоқ хўжалигини бошқариш эски ҳаммом — эски тос усулида давом этяпти, бу соҳа раҳбарларида янгиликка интилиш, изланиш сезилмаяпти.

Боя айтилганидек, баҳорги дала ишларини ўтказиш учун 452 миллиард сўм кредит ажратилган эди. У ўз эгасига етиб боргунча вилоят, туман, хўжалик каби учтўртта босқичдан ўтади. Асоссиз кредит бериш оқибатида уларнинг 5—6 фоизгина банкларга қайтиб тушяпти, холос. Ҳолбуки, банклар кредит оладиган хўжалик фермер ва тадбиркорлар билан бевосита муносабат ўрнатиши, яъни, банк-фермер, банк-кооператив усулида ишлаши, уларнинг олинган кредитни қайтара олиш имкониятини ўрганиши, бунга ишонч ҳосил қилгандан кейингина маблағ бериши керак.

Ислоҳот йўлидаги яна бир тўсиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархларининг ҳақиқий маънода эркин эмаслигидир. Айрим савдо ташкилотлари, воситачи-тижоратчи идоралар маҳсулот етиштирувчиларга «Молингни шу нархда сотасан, йўқ десанг, ўзинг биласан» қабилида зўравонлик қилмоқдалар. Деҳқон ёки фермер нима қилсин! Сотмай деса, маҳсулоти айниб кетади. Бошқа харидор бўлмаса!

Бунинг устига, айрим юқори самарадорликка эга, муайян соҳада яккаҳоким бўлиб олган «Ўзғўштсутсаноат», «Ўзмевасаноат» каби концернларнинг раҳбарлари ўзларига қарашли иншоотларни очиқ ҳиссадорлик жамиятларига айлантиришга шошилмаяптилар, ислоҳот, келажак ҳақида ўйламаяптилар. Бошқача қилиб айтганда, ўз «мулк»ларига бошқаларни «шерик» қилишни, аралаштиришни истамаяптилар.

Бундан шундай хулоса чиқадики, токи мулк шакли том маънода ўзгармас экан, у ўз эгасини топмас экан, ислоҳотни олға силжитиб, ҳақиқий бозор муносабатларини шакллантириб бўлмайди, дея таъкидлади Президент. Шундай экан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалик фанлари академияси, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор муассаса ташкилотлар қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш механизмини ишлаб чиқиши ва уни собитқадамлик билан амалиётга татбиқ этиши зарур.

Мажлисда қишлоқда ислоҳотнинг тезкорлик билан амалга оширилишини, бу борадаги Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилишини назорат қилувчи махсус комиссия тузишга қарор қилинди.

Қимматбаҳо қоғозлар бозорини ташкил этиш ва унинг ривожланиши учун етарли шарт-шароит яратиш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш, аҳоли кенг қатламларига мулкчиликда ўз улуши билан қатнашиш имкониятини бериш, чет эл сармоядорларини жалб этиш, пул муомаласини бошқариш усулларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан биридир.

Қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш асослари «Қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида», «Ҳўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»ги қонунларда ўз аксини топган.

Шу қонунларга мувофиқ биринчи босқичда Молия вазирлиги бошқа вазирликлар ва идоралар билан келишилган ҳолда қимматбаҳо қоғозлар чиқариш учун гувоҳнома ҳамда қимматбаҳо қоғозларни чиқариш учун лицензиялар бериш тартибини ишлаб чиқди. Ана шу ҳуқуқий асосларда акционерлик жамиятлари ташкил этилди, қимматбаҳо қоғозлар жараёни бошланди.

Давлат қимматбаҳо қоғозларининг бугунги кундаги асосий тури 1992 йилдаги 12 фоизли ички ютуқли заёмнинг давлат облигацияларидир.

Акционерлик жамиятлари қимматбаҳо қоғозларига келсак, иқтисодий ислоҳотнинг биринчи босқичида уларнинг бозори ҳали етарли даражада ривожланмади, жорий йилнинг май ойига қадар умумий миқдори 131 миллиард сўм-купон бўлган қимматбаҳо қоғозлар чиқарилди. Уларнинг тўртдан уч қисмидан ортиғи «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳиссасига тўғри келади.

Шундан очиқ турдаги акционерлик жамиятларининг қимматбаҳо қоғозлари 30 фоиздан камроқни ташкил этади.

Қимматбаҳо қоғозлар эмиссиясининг озлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг уларни сотиб олишга ва қайтадан сотишга қизиқишининг йўқлиги ёпиқ турдаги хўжалик жамиятларининг кўплиги, қимматбаҳо қоғозлар бозорининг давлат томонидан бошқарилишининг тўлақонли меъёрий-ҳуқуқий механизми мавжуд эмаслиги, фонд биржалари ва инвестиция институтлари фаолиятидаги ташкилий муаммоларнинг ечилмагани, кўпгина қимматбаҳо қоғоз чиқарувчиларнинг молиявий аҳволи ночор эканлиги, ишончли кафолатнинг ва дивиденд тўлашнинг аниқ механизми йўқлиги, шунингдек, қимматбаҳо қоғозлар чиқаришда, реклама қилишда ва муомалага киритишда тажриба етишмаслиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 21 январдаги ҳамда «Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устивор йўналишлари тўғрисида» 1994 йил 15 мартдаги фармонлари иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг, жумладан, қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг иккинчи босқичи ва йўналишлари шартларини белгилаб берди.

Бу ҳужжатларда хусусийлаштирилган корхоналар негизида асосан очиқ турдаги акционерлик жамиятлари ташкил этилган ҳолда, қимматбаҳо қоғозларни бозорга чиқариш, мулкчиликнинг шаклларини ўзгартириш жараёнини чуқурлаштириб бориш назарда тутилган.

Кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш, биринчи навбатда, ислоҳотларнинг янги босқичига нисбатан қўлланилиши назарда тутилган қонунлардаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужатлар тизими ишлаб чиқилишини талаб қилади.

Ана шу мақсадда Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси томонидан бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қимматбаҳо қоғозлар бозорини ташкил этиш ва уни бошқариш бўйича меъёрий ҳужжатлар тайёрланди.

Қимматбаҳо қоғозлар бозорини ташкил этиш, уни ривожлантириш бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимнинг муҳим шартидир, деди Президент. Чунки, аҳоли ана шу акциялар орқали мулкка эгалик қилади, ишлаб чиқариш жараёнига, корхоналарнинг фаолиятига таъсир этади. Қолаверса, у аҳоли қўлидаги «ортиқча» пулларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, пулнинг қадрсизланиш жараёнини «жиловлаб туриш воситасидир.

Бугунги муҳокамадан маълум бўлдики, «Қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги қонун қабул қилинган бўлса-да, унинг моддаларини ойдинлаштирувчи, бу жараённи тартибга солиб турувчи кўпгина йўриқномалар ҳали тасдиқланмаган. Бу ишни жадаллаштириш, уни амалга оширишда етти ўлчаб, бир кесиш, бу масала одамларнинг акция чиқарувчиларга ишончи билан боғлиқлигини, бу ишонч йўқотилса, қайта тиклаб бўлмаслигини бир дақиқа бўлсин унутмаслик лозим, деди Ислом Каримов пировардида. Шунингдек, юксак самарали, жаҳон бозорида обрўга эга бўлган корхоналар акцияларининг бир қисми билан чет эллаги машҳур биржаларда қатнашиш, шу йўл билан тажриба орттириш, маблағ топиш йўлларини излаш вақти келди.

Мажлисда олимлар, банк вакиллари, тадбиркорлар муҳокама этилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантириш ва фонд биржаси фаолиятини ташкил этиш бўйича махсус комиссия тузиш мақбул деб топилди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан республика Бош вазирининг ўринбосари, «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси раиси М. Шарифхўжаев иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгаш таркибига киритилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазир ўринбосарлари Ў. Султонов, М. Усмонов, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков қатнашди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗБЕКСАВДО» ДАВЛАТ УЮШМАСИ ВА ЎЗБЕКБИРЛАШУВДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ун	1 килограмм учун 500 сўм-купон
Булка нон (оқ, қора, жавдар)	1 килограмми учун 400 сўм-купон

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йилнинг июлидаги 360-сон қарорига мувофиқ асосий озиқ-овқат маҳсулотларига эркин нархлар белгилашга қарор қилинганди. Худди шу қарор билан «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси ва Ўзбекбирлашув бошқарувига Республика Молия вазирлиги билан биргаликда, бозор конвюнктурасидан ҳамда сотиб олишга қилинган ҳақиқий харажатлардан келиб чиққан ҳолда, озиқ-овқат товарларининг белгиланган миқдорда сотиладиган турларига — ўсимлик мойи, қанд-шакар, чой ва гўштга ўзгарувчан нархлар белгилаш топширилган эди.

Шуни қайд этиш керакки, озиқ-овқат маҳсулотларининг кўп қисми «яқин» ва «узоқ» хориждан ташиб келтирилмоқда. Шу билан бирга озиқ-овқат маҳсулотларининг барча турлари жаҳон нархлари бўйича фақат эркин муомладаги валютага сотиб олинмоқда. Масалан, 1 тонна буғдой жаҳон бозорида 130 доллар туради, бу расмий курс бўйича ҳисобланганда 500 минг сўм-купонга тўғри келади. Демак, 1 килограмм буғдойнинг нархи, транспорт харажатисиз, давлатга 500 сўм-купонга тушади. Шу сабабли ун ва нонинг янги чакана нархлари жорий этилганда ҳам давлат бюджетидан ҳар ойда 28 миллиард сўм-купондан зиёд дотация ажратиш зарур бўлади.

Шуни таъкидлаш зарурки, Ўзбекистонда асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг янги нархлари, агар уларни Россия рубли курси бўйича ҳисоблаганда, масалан, Россия ёки Қирғизистондагидан пастдир:

	Ўзбекистон		Россия		Қирғизистон
	Сўм-купонларда	Россия рублида	Россия рублида	Сомларда	Россия рублида
Нон, кг	400	191	532	1,88	283
Ун, кг	500	238	443	1,47	222

Республикамизга етказиб берилаётган нефть ва бошқа ёқилғи ресурслари нархларининг ошиши муносабати билан, шунингдек, энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда халқ хўжалиги тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида 1994 йилнинг 1 июнидан бошлаб ёқилғи-энергетика ресурслари учун янги чакана нархлар, шаҳарда ва шаҳар атрофида йўловчи ташиш транспорт хизматлари учун янги тарифлар жорий қилинди:

	Ўлчов бирлиги	Чакана нарх (тариф), сўм-купонларда
Табиий газ	1000 м³	3500
Электр энергия	квт соат	30
Электр плиталар билан жиҳозланган уй-жойларда яшовчи аҳолига бериладиган электр энергия	— » —	15
Автомобиль бензини (ўртача)	Литр	1000
Кўмир (ўртача)	Тонна	25000
Шаҳар транспортида йўловчилар ташиш (автобус, метро, трамвай, троллейбус)	Бир марта юриш	100
Умумий турдаги	1 км. йўл учун	17
Юмшоқ ўриндиқли	— » —	25

Шу билан бирга, энергия ресурслари ва йўловчи ташиш транспорти хизматларининг юқорида кўрсатилган барча турлари учун давлат томонидан кўп миқдорда дотациялар ажратилади. Масалан, янги нарх ва тарифларни ҳисобга олган ҳолда шаҳар йўловчи ташиш транспорти учун ҳар ойда камида 1 миллиард сўм-купон, энергетикага — 0,7 миллиард, газчиларга — 8,6 миллиард, кўмирчиларга — 3,6 миллиард сўм-купон дотация керак бўлади. Ҳолбуки, Қозоғистонда аҳолига сотиладиган табиий газ республикамиздагига нисбатан (Россия рублига айлантирганда) 19,2 баравар, Қирғизистонда 23,7 баравар қимматдир.

Республика ҳукумати аҳоли учун ижтимоий кафолатларни сақлаш мақсадида иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва бошқа тўловлар миқдорини мунтазам равишда қайта кўриб чиқмоқда ва ошириб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг охирги Фармонига биноан 1994 йил 1 июндан бошлаб иш ҳақи ва меҳнат пенсиясининг энг кам миқдори тегишли равишда 70 ва 75 минг сўм-купон қилиб белгиланди. Бюджетдаги ташкилотларда ойлик маошлар, пенсияларнинг барча турлари, олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,5 баравар оширилди.

• *Бир сурат тарихи*

ҲОРМАНГ, ОҚСОҚОЛ!

Одил ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Агар янглишмасам, 1956 йили Деҳлида Осиё ва Африка шоирларининг учрашуви ва бу учрашувнинг давоми сифатида шоирлар мусобақаси — мушоираси бўлиб ўтганди. Бу мушоранинг ташаббускори бахтимизга бугун ҳам ҳаёт, севикли шоирамиз Зулфия опа эдилар. Мушоира якунида дунёга маълум ва машҳур адиблар: «Жаҳонда қарама-қарши кучларнинг хуружи кундан-кунга кучайиб бормоқда, тўплар гумбури куй ва қўшиқ тароналарини босиб кетяпти, шундай таҳликали бир вазиятда, биз адиблар, оғзимизга сўк солиб ўтирверамизми, биз ҳам тинчлик тарафдорлари сафига қўшилиб, овозимизни баралла кўтарайлик» деган ғояни илгари сурганлар. Оқибатда, 1958 йили кўзда Тошкентда Осиё ва Африка ёзувчиларининг биринчи конференциясини чақириш ва бу конференцияга энг илғор жаҳон ёзувчиларини таклиф қилиш ҳақида мурожаат қилинади.

Табиийки, мезбонлик вазифаси ва масъулият ўзбек ёзувчилари зиммасига тушади. Собиқ СССР, Хитой, Мўғулистон, Япония, Покистон, Ўзбекистон бу ташаббусни қизғин қўллаб-қувватлайдилар. Сал ўтмай Мухтор Ауэзов, Константин Симонов, Расул Ҳамзатов каби машҳур адиблардан иборат ташкилий қўмита тузилади. Унга Шароф Рашидов раис қилиб сайланади. Тақдирнинг ғалати ўйинини қаранг-ки, ўша йиллари бор-йўғи бир иккитагина асар ёзиб, эндигина тилга туша бошлаган каминаи камтарин Шароф акага котиб бўлиб тайинландим.

Конференцияга тайёргарлик кўриш қўмитасининг энг муҳим вазифаларидан бири, анжуманга қайси мамлакатлардан делегация чақирилишини белгилаш ва уларни таклиф қилиш учун ўша мамлакатларга вакиллар юбориш эди.

Эсимда бор: ўша пайтларда Ҳамид ака «Литературная газета»нинг Ўзбекистондаги мухбири бўлиб ишлар, конференцияни тайёрлаш қўмитаси ишида фаол иштирок этардилар. Шунинг учун қўмита у кишини Миср ёзувчилари делегациясини Тошкент конференциясига таклиф қилиш учун Қоҳирага йўллади. Сал ўтмай, Ҳамид ака Қоҳирадан конференцияга қатнашишга хоҳиш билдирган машҳур Миср ёзувчиларининг рўйхатини олиб келдилар, конференция кунлари эса уларга «ота»лик қилдилар. Мазкур тарихий сурат эса 1958 йил октябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган Осиё ва Африка ёзувчиларининг конференцияси кунлари олинган бўлиб, унда конференция раиси Шароф Рашидов, рус адиби Константин Симонов, Ҳамид Ғуломлар Қоҳирадан келган араб ёзувчилари ҳамда Бирлашган Араб Республикасида муҳожирликда бўлган африкалик ижодкорлар акс этган. Ўша кезлари Ҳамид ака ёзувчи сифатида ҳам, журналист сифатида ҳам ниҳоятда фаол эдилар.

Бугун қарасангиз бирорта газетада мақола, эртага қарасангиз бирорта театрда янги пьеса, индин қарасангиз бирорта журналда достон ё қисса... Кейинроқ Ҳамид ака журналистика соҳасидаги бу жонбозлигини хиёл жиловлаб, бор кучи ва истеъдодини йирик насрий ва драматик асарлар яратишга бағишладилар. Оқибатда «Машъал» ва «Мангулик» каби ўнга яқин элга манзур романлар, «Тошболта ошиқ»дек кўплаб музикали драма ва комедиялар яратдилар. Агар бунга шеърий китоблар, достонлар, адабий ўйлар, юзлаб публицистик мақолаларини қўшадиган бўлсак, Ҳамид Ғулом яратган китоблардан кичикроқ бир кутубхона ташкил қилиш мумкин. Албатта салмоқ ва сифат жиҳатдан бу китобларнинг ҳаммаси бир хил эмас. Зотан, ижодда бундай бўлиши мумкин ҳам эмас.

Ижодкорнинг бош вазифаси унга ато қилинган истеъдоддан имкон қадар тўла фойдаланиш, уни ўз халқи истиқболи ва истиқлоли йўлида ишлатишдир. Назаримда, улкан ёзувчимиз Ҳамид Ғулом санъаткор зиммасига юкланган бу олижаноб вазифани яхши тушунган ва ўз истеъдодидан яхши фойдаланган ижодкорлардандир. Бугун Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом 75 ёшга кирди. Халқ ҳурмати ва олқишига сазовор бўлди. Етмиш беш—оз ёш эмас. Ҳамид аканинг серқирра, сермаҳсул ижоди шуни кўрсатиб турибдики, ҳурматли ёзувчимиз жуда катта ва мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган. Ҳамид ака ҳамон сафимизда. Қалами ҳамон ўткир. Бу қалам Мустақил Ўзбекистонимиз равнақи, саодати йўлида ҳормай-толмай хизмат қилмоқда. У киши ўзининг тўйи арафасида томошабинларга янги асар — мусиқали драмасини туҳфа қилдилар.

Шундай давом этаверинг, оқсоқол. Ижод завқи Сизни ҳеч қачон тарк этмасин.

• *Бозор иқтисодиёти ва одамлар*

ЭЛ НАЗАРИГА ТУШГАН...

Халқимизда эл-юрт эҳтиёжи, келажаги учун асқотадиган инсонлар ҳамиша қадрланиб келади. Табиатан тиниб-тинчимас, халқим деб куйиб ёниб юрганлардан бири Қолмон Эргашевдир.

Қолмон ака доимо кўпнинг ташвишини ўйлайди, одамларнинг оғирини енгил, мушкулини осон қилсам, дейди. Бундан 4—5 йил олдин ўзи истиқомат қилаётган Оржоникидзе маҳалласида стадион ва спорт зали барпо этиш учун тиним билмай тер тўкканини маҳалладошлари яхши билишади.

Қолмон Эргашев Чиноз қурилиш материаллари комбинатида қарийб 40 йилдан бери меҳнат қилади. Ишчи уста, смена бошлиғи, цех бошлиғи, директор ўринбосари сингари пиллапояларни босиб ўтаркан, сидқидилдан, виждонан меҳнат қилиш билан комбинат жамоаси орасида обрў-эътибор қозонди. Эл назарига тушди. Шундан бўлса керак, собиқ директор Ю. Расчупкин бошқа ишга ўтгач, жамоа аъзолари корхона раҳбарлигига ҳеч иккиланмай Қ. Эргашевнинг номзодини маъқул кўришди.

Янги директорнинг раҳбарлик даври, айни пайтда корхонанинг молиявий аҳволи анча танг, ишлаб чиқариш режалари ўлда-жўлда уддаланиб, гоҳ уддаланмаётган, кўплар тушкунликка тушган, баъзи ишчилар бошқа ишлар бошини тутиб кетишга иккиланиб юрган пайтга тўғри келди. У аввало ишни ишчи-хизматчиларга ҳар томонлама шарт-шароит ва қулайликлар яратиш, уларни ижтимоий ҳимоялашдан бошлади. Цемент ва бетон қоришмаларини 50 фоиз чегирилган нархда сотишни йўлга қўйиш эвазига ойлик маошларини ошириш, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишга киришди.

Илгариги ягона бўлган молиявий ва пул кредит тизимларининг барбод бўлиши, қарор топган хўжалик алоқаларининг узилиши оқибатида рўй берган қийин бир аҳволда корхона жамоаси ўз қаддини ростлаши учун қўл келадиган режалар ўйлаб топиши даркор эди.

Интилганга толе ёр деганларидек, тез орада янги ғоя дунёга келди. Унга кўра деҳқонларга маҳсулотларни сақлаш учун ертўлалар қуриб беришда кўмаклашиш режаси ўйланди.

А. Мираҳмедов табиатан янгиликка интилувчан раис. Қолмон ака Эргашевнинг ертўла қуриш ҳақидаги таклифи А. Мираҳмедовга маъқул тушди. Комбинат қошидаги Юсуф Аҳмедов бошлиқ кичик корхона жамоаси аъзолари бир кунинг ўзидаёқ хўжалик ҳудудида ертўлани қуриб битиришди. Ертўла хўжалик деҳқонларига ҳадя этилди.

Ўзбекистоннинг сахий ва унумдор заминида етиштириладиган мева-сабзавотлардан қиш бўйи истеъмол қилиш учун консерва тайёрлашни йўлга қўйиш мумкин.

Жумҳуриятимиз иқлимига ертўлалар ниҳоятда мос. Ертўла қишда иссиқ, ёзда салқин бўлади. Ҳар жиҳатдан қулай ва шинам ертўлаларни ҳар бир хўжаликда қурса бўлади. Ушанда хорижий қимматбаҳо музлатгичларга эҳтиёж қолмаса ажаб эмас.

Ўзбекистонда тош, қум, цемент етарли. Кўп заводлар таъминот тақчиллигидан тўла қувват билан ишламаяпти. Мазкур корхоналарда ишчилар ишсиз қоляпти. Цемент заводлари ўз маҳсулотларини сотишда қийналяпти. Цемент туширишга жой бўлмаганидан ушбу корхоналар катта жарима тўламоқдалар. Агар мана шу тармоқларда ҳам бетон ертўлалар қуришса ишсизлик камайган бўларди.

Бироқ, масаланинг бошқа бир томони бор. Битта ертўлани қуриш учун ўртача 500 минг сўм талаб этилар экан, бу деҳқонга оғир тушмайдими?

— Бунинг ҳам қаловини топса бўлади,— дейди Қолмон ака — Ертўла қуриш жараёнида камида ўн беш машина тупроқ қазиб чиқарилади. Ҳар бир машина тупроқни 15—20 минг сўм деб баҳоласак, 200 минг сўмлик тупроқ бўлади. Ундан ғишт қўйиш ёхуд пахса уришда фойдаланиш мумкин. Шунда битта ертўланинг таннархи қарийб икки ҳисса арзонлашади.

Қолмон аканинг орзулари кўп. Шулардан бири-паррандачилик.

— Паррандачилик етти хазинанинг бири,— дейди у.— Аксарият хўжаликларда бу соҳага эътибор кам. Айни пайтда аҳолининг парранда гўшти ва тухумга эҳтиёжи катта. Бунинг учун хонадонларга сим тўрлар етказиб бериш даркор. Масалан, маҳалламизда 146 хўжалик бор. Уларнинг ҳар бири 20 тадан товуқ боқса, 2990 та товуқ бўлади. Ҳар товуқ ўрта ҳисобда 150 та тухум берса жами бир йилда 438000 дона тухум бўлади.

Қолмон аканинг айтишича, 1994 йил мобайнида ўз маҳалласидаги 70 дан ортиқ хонадонга сим тўрлардан қарзга 15—20 товуққа мўлжалланган товуқхоналар қуриб берадиган, улар эса икки йил давомида қарзни тухум топшириш ҳисобига узадиган бўлишибди.

Бозор иқтисодиёти — жумҳуриятлараро халқаро жаҳон бозорига чиқиш, ўз маҳсулотларимизга ўзимиз нарх қўйиш ҳуқуқини амалга оширишга кенг йўл очиб бермоқда.

Шу аснода, ўз маҳсулотларимизни сув текинга сотишга ва «бирни ўнга» сотиб олишга чек қўйилмоқда. Бугунги бозор иқтисодиёти муносабатларида республикамиз товар-маҳсулотлари ўз баҳосини бурунги замонлардагидек, режа — буйруққа қараб эмас, балки эҳтиёжлардан келиб чиқиб белгиламоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Спорт*

СОВРИН КИМГА НАСИБ ЭТАРКИН?

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» УЧУН ХАЛҚАРО ТЕННИС МУСОБАҚАСИ БАЙРОҒИ ҚУТАРИЛДИ

PRESIDENT CUP UZBEKISTAN INTERNATIONAL TENNIS TOURNAMENT
TASHKENT 1994

Тўрт кундан бери мамлакатимиз пойтахтидаги янги теннис кошонаси — «Юнусобод» спорт мажмуи гавжумлашиб турибди. Бу ерда Ўрта Осиёда биринчи марта профессионал теннисчилар ўртасида нуфузли мусобақа ўтказилмоқда. Бу мусобақага нафақат теннисчилар, балки спорт мутахассислари ва хорижлик тадбиркору ишбилармонлар ҳам зўр қизиқиш билдирмоқдалар. Кеча Халқлар дўстлиги саройида мазкур мусобақа теграсида ташкил этилган бизнесчилар анжуманининг ўтказилгани ҳам шундан далолат.

Мусобақада 20 мамлакатдан ташриф буюрган жами 32 нафар теннисчи қатнашмоқда. Маълумки, профессионал спортчилар қуруқ шон-шуҳрат кетидан қувмайдилар. Шунинг учун ҳам тараққий этган мамлакатларда бўлгани каби мустақил юртимизда моддий манфаатдорлик асосида ўтказилаётган мусобақа уларни ўзига хос «мафтун» этиб турибди. Сабаби теннисчиларга ажратилган 125 минг АҚШ доллари кимни қизиқтирмайди дейсиз? Тақсимотларга қараганда яккама-якка ғолиби 18 минг доллар эгаси бўлар экан. Финалчилар, ярим финал ва чорак финалчилар, умуман мусобақа иштирокчиси ҳам ана шу маблағдан тегишли қисмини қўлга киритади.

Кеча «Юнусобод» спорт мажмуининг катта спорт майдончаси байрамона руҳият касб этди. Бу ерда халқаро мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлди. Жаҳоннинг таниқли теннисчиларидан иборат мусобақа иштирокчилари майдонда саф тортдилар. Уларга миллий кийинган қизлар анвойи гулларни тақдим этдилар. Сўнг мусобақа очиқ деб эълон қилиниб, теннисчиларга қизғин ва муросасиз баҳсда муваффақият тиланди. Ўзбекистон Республикаси Давлат маданияти садолари остида мусобақа байроғи оҳиста кўтарилди.

Ўтган дам олиш кунлари эса мусобақа низомига мувофиқ асосий баҳсларга кучлиларни саралаш бўлиб ўтди. Россиялик Андрей Меринов билан грузин Владимир Гобричидзе бу борада юксак маҳорат кўрсатдилар. Шунингдек, Стефан Нотебум билан Ян Вайнцирль ҳам совринли ўринларга даъвогар эканликларини намойиш этдилар. Кеча эса «Президент кубоги» учун яккама-якка баҳслар бошланди. Юртдошимиз Олег Огородов билан Ж. Блум (Исроил) ҳамда Темур Ғаниев билан Ш. Ножали (Венгрия), Дмитрий Томашевич билан Д. Сангуинети (Италия) учрашувларига муҳлислар катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Айни пайтда жуфт бўлиб баҳслашиш ҳам давом этмоқда. Вакилларимиз О. Огородов билан Д. Томашевич — М. Гезерер билан И. Рэнга қарши майдонга тушсалар, яна икки вакилимиз Т. Ғаниев билан И. Иванов М. Гориц билан Х. Гумига қарши баҳс юритяптилар. Умуман, ғолиблар аниқланадиган 5 июнга қадар муросасиз ва қизғин баҳслар бўлиши кутилмоқда. Кимларнинг бош совринга даъвогар бўлиши ёки кўпроқ пул мукофотини қўлга киритиши ҳам тез кунларда ойдинлашиб қолади.

Мусобақа иштирокчиларининг кўнглини овлаш, маданий дам олиш ишларига ҳам аҳамият берилмоқда. Хусусан улар гуруҳларга бўлинган ҳолда шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрадилар. Муҳлислар эса 3 июндан бошланадиган чорак, ярим финал ва ниҳоят ҳал қилувчи баҳсларни орзиқиб кутмоқдалар. Хуллас, бу ҳафта «Юнусобод» спорт мажмуида моҳир теннисчилар қўлида «Уилсон» фирмасида тайёрланган ва мусобақа иштирокчиларига тақдим этиладиган 240 дона кичик тўп муҳлисларга қувонч келтирадиган кўринади.

Энди мусобақа иштирокчилари ҳақида икки оғиз сўз: Чак Адамс бугунги кунда ўзининг рейтинг — мақоми (85) бўйича энг юқори ўринни эгаллаб турибди. Марокашлик Карим Алами (110), франциялик Санторо Фабрис (122) каби теннисчилар ҳам майдончада кичик тўп ўйнашни ўзларига касб қилиб олганлардан. Юртимизда эса профессионаллар эндигина шаклланмоқда. Ҳозирча Олег Огородов бу борада биринчи бўлиб турибди. Унинг мақоми ўрта ҳисобда 350 ни ташкил этади. Дмитрий Томашевич, Темур Ғаниев, Фарҳод Ғуломов, Темур Хонхўжаев каби теннисчиларимиз ҳам яқин келажакда Ўзбекистон номини улуғлаб, халқаро майдонларда жавлон урсалар ажаб эмас.

Ҳайдар НОСИРОВ.

• *Дил сўзлари*

КИЧИК ТЎП ОШУФТАЛАРИ

Александр МЕТРЕВЕЛИ,
таниқли теннисчи, Уимблдон халқаро турнирининг уч бор финалчиси

— Юртингиз пойтахтига яхши ниятлар билан келиб, янглишмаган эканман. Сирасини айтганда, Ўзбекистонда теннисга бунчалар катта қизиқиш борлигини тасаввур этмагандим. Кичик тўп мусобақалари ташкил этиш, теннисчилар сафини кенгайтириш учун бу ерда барча шароитлар етарли, дейиш мумкин. Маълумки, илгари кўпгина иттифоқчи республикалар қатори Ўзбекистон теннисчилари ҳам имкониятлар даражасида маҳорат кўрсатишларига қарамай, марказдан бўладиган «ғов»лар оқибатида хорижий юртларга боролмасдилар. Эндиликда эса ҳар бир теннисчи маҳорат ва мақоми етарли бўлса, босқичма-босқич энг юксак натижаларга эришиши мумкин. Қуёшли ўлкада иқтидорли ёшлар, хусусан, миллий теннисчилар камол топаётганининг шоҳиди бўлиб турибман. Ўйлайманки, «Буюк ипак йўли» номини олган Сателлит халқаро турнири ва шу кунларда қизғин давом этаётган «Президент кубоги» мусобақалари тажриба ва маҳорат оширишда муҳим сабоқ бўлиб қолади.

ҲАММАСИ ЯХШИ БЎЛАДИ

Сасон КАКШУРИ,
швейцариялик бизнесчи, «АТП—ТУР ЛТД» фирмаси президенти

— Мустақил Ўзбекистонда спортнинг теннис турини ривожлантириш, халқаро миқёсдаги мусобақаларни ўтказиш айни муддао бўлади, деган фикрни ўртага ташлаганимда кўпчиликка маъқул келгани, хусусан юртбошингиз эътироф этганидан беҳад мамнун бўлгандим. Ўзбекистонда теннис ошуфталари, мутасадди мутахассислари етарли экан. Биз улар билан ошнолашиб, ҳатто дўстлашиб кетдик. «Буюк ипак йўли» халқаро турнири ва «Президент кубоги» учун мусобақалар ана шу ўзаро ҳамкорликнинг самарасидир. Яқин келажакда мустақил Ўзбекистон нафақат ўзининг иқтисодий ривожланиши, балки юксак маънавияти, хусусан маданияти билан тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олишига шубҳа йўқ. Бинси, теннис ҳам ўзини одобли деб билган ҳар бир инсон учун маданият тимсоли ҳисобланади. «Юнусобод» спорт мажмуи каби «Динамо» теннис саройининг мажмудлиги ҳам бу борадаги ишларнинг ҳаммаси яхши бўлишидан далолатдир.

ОДОБ ВА САЛОМАТЛИК

Шавкат КАРИМОВ,
республика теннис федерациясининг раиси

— Мустақил юртимизда келажаги буюк ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Она диёримиз ҳар жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар қаторида бўлиш йўлида собит қадам ташламоқда. Табиийки жисмоний тарбия ва спорт саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялашнинг муҳим омили ҳисобланади. Теннис эса дунё миқёсида энг оммавийлашган спорт турларидан саналиб, унинг ишқибозларини тобора кўпайиб бориши тажрибадан маълум. Бу борада бошланган хайрли ишларимизнинг самараси ўлароқ юртимизда ўтказилаётган халқаро теннис мусобақалари, хусусан «Президент кубоги» учун профессионал теннисчилар мусобақасини ташкил этилиши самарали кечади, деган умиддаман. Ҳозир «Юнусобод» спорт мажмуидан ташқари «Динамо», «Пахтакор» теннис майдонлари, Самарқанддаги теннис масканн каби шароитларга эгамиз. Хорижий мутасадди-мутахассислар имкониятларимизни эътироф этмоқдалар. Демак, катта ишлар бошида турибмиз.

• *Футбол*

ЯГОНА ЙЎЛЛАНМА ЭГАСИ

● Осиё чемпионатининг тўққизинчи гуруҳида куч синашган Марказий Осиё республикалари терма жамоалари ўртасидаги саралаш учрашувлари якунланди.

Маълумки, Қозоғистон футболчилари дастлаб икки ғалабадан кейин назарий жиҳатдан Индонезияга бериладиган ягона йўлланмани нақд қилиб қўйишган эди. Лекин тўртинчи тур ўйинларидан кейин жамоалар мавқеида ўзгаришлар рўй берди. Бойси, Туркманистон футболчилари ҳам тўртта очко билан мусобақани якунлашди. Биттадан ютуққа эришган Қирғизистон ва Ўзбекистон футболчилари эса йўлланмага даъвогар эканликларини намойиш этдилар.

Лекин ҳаммаси якунловчи икки учрашувда ойдинлашди. Ўзбекистон футболчилари тожикистонлик тенгқурлари билан учрашувда 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Бу ютуқдан кейин улар ҳисобидаги очколар бештага етди. Шу ҳолатда Қозоғистон футболчилари Қирғизистон терма жамоаси билан ўйинда ютқазиб ёки дуранг натижага эришганларида юртдошларимиз йўлланма эгаси бўлишлари мумкин эди. Афсуски, бундай бўлмади. Қозоғистон жамоаси 3:2 ҳисобида ғалабага эришиб, олти очко билан ягона йўллланмани қўлга киритди. Футболчиларимизнинг мусобақа бошидаги сусткашликлари, бой берган имкониятлари эса қимматга тушди.

ДИҚҚАТ!

" Ўзсувқурилиш " концернига қарашли Чиноз қурилиш материаллари ва конструкциялари корхонаси қуйидаги қурилиш материалларини арзон нархларда сотиб олишни

ТАКЛИФ ЭТАДИ

1. Пойдевор блоклари
2. Шлакблокли ғиштлар
3. Сувоқ учун майдаланган тошлар
4. Темир-бетон маҳсулотлари
5. Ичи ғовакли плиталар тури: ПТК-59-12; 59-15; 63-12; 71-12;

Мурожаат учун манзилгоҳ: Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри.
Телефонлар: код /259/ 32-201, 31-122
Ушбу маҳсулотлар буюртмачи айтган манзилга ўз вақтида етказиб берилади.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси маъмурияти ва жамоат ташкилотлари «Енгилсаноатхолдинг» ҳиссадорлик жамиятининг тафтишчиси Азимжон Қиличевга отаси **Амет ҚИЛИЧЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бирлашма бош муҳандиси Файзулла Исмоиловга волидан муҳтарамалари **Саломатхон ИСМОИЛОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат аграр университети жамоаси ва касаба уюшмаси ташкилоти пахтачилик кафедрасининг доценти **Шамил Ғаниевич АЗИЗОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади ва оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисоднёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди—00.30
Г — 939 тир. 85501.
Навбатчилар: Н. ШАКАРОВ, М. ҚИЁМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.